

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЛИМОВ ФУРҚАТ ЭМИНЖОНОВИЧ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on Economics

Халимов Фурқат Эминжонович

Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни
такомиллаштириш.....3

Халимов Фурқат Эминжонович

Совершенствование финансовых отношений в учреждениях физического
воспитания и спорта.....29

Khalimov Furkat Eminjonovich

Improving financial relations in institutions of physical education and sport55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works60

Автореферат «Iqtisod-Moliya» нашриётида тахрирдан ўтказилиб, ўзбек ва рус
(инглиз) тилидаги матнлари ўзаро
мувофиқлаштирилди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЛИМОВ ФУРҚАТ ЭМИНЖОНОВИЧ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Босишга рухсат этилди: 29.04.2022 йил.
Бичими 60x84. «TimesNewRoman»
Гарнитурда рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 3,8. Адади: 100. Буюртма № 20

«DAVR MATBUOT SAVDO» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди
100198, Тошкент, Қўйлик, 4-мавзе,46.

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Iqt505 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдаров Низамиддин Хамраевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳмонов Дилшод Алиджанович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ашурова Насиба Батировна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: info@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51. e-mail: info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

10. Ҳалимов Ф.Э., Хайдаров Н.Х. Жисмоний тарбия ва спорт таълими муассасаларини молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш // “Молия-кредит тизимини иқтисодиётнинг реал сектори билан ўзаро муносабатларини институционал ривожлантириш” мавзусида XII Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, Тошкент, 2020. – 321-323 б.

11. F.E.Khalimov, N.H.Haydarov, B.F.Azimov Increasing the efficiency of Using sports facilities of educational Institutions of sports / Красноярскда бўлиб ўтган “International conference on economic and social trends for sustainability of modern society” (ISSN: 2357-1330) халқаро конференция (DOI: 10.15405/epsbs.2020.10.03.52)

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д, профессор

Б.Т.Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д, профессор

С.К.Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д, доцент

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I бўлим (I часть; part I)

1. Ҳалимов Ф.Э. Спорт-таълим муассасалари спорт натижаларини мониторинг қилишни такомиллаштиришда ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланиш // “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2020. – №3. – 159-165 б. (08.00.07. №11)
2. Ҳалимов Ф.Э. Жисмоний тарбия ва спорт муассасалари ва уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни. // “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2020. – №5. – 216-221 б. (08.00.07. №11)
3. Ҳалимов Ф.Э. Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. // “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2020. – №6. – 174-180 б. (08.00.07. №11)
4. Khalimov F.E. Improving cybersport financing in physical education and sports institutions // EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS). Vol.:8. Issue:10. October 2021. – P.70-74. (08.00.07.)
5. Ҳалимов Ф.Э. Анализ развития физической подготовки и спорта в Республике Узбекистан. / «Актуальные вопросы экономики» сборник статей VIII международной научно-практической конференции, 2021. г. Пенза, Российская Федерация. – С.60-67.
6. Ҳалимов Ф.Э. Зарубежный опыт организации финансовых отношений в физических и спортивных учреждениях / СХХVII международные научные чтения (Памяти Б.А.Грушина) сборник статей международной научно-практической конференции. – Москва, 2021. – С.20-30.
7. Ҳалимов Ф.Э. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт оммавийлиги даражасини оширишнинг ташкилий-бошқарув масалалари. // “Замонавий таълим-тарбия тизимида жисмоний тарбия ва спортнинг муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2020. – 299-301 б.
8. Ҳалимов Ф.Э. Жаҳон иқтисодиётида киберспортнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари. / “Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги конференция материаллари, 2021. – 9-11 б.

II бўлим (II часть; II part)

9. Ҳалимов Ф.Э. Спорт муассасаларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида молиялаштиришни ривожлантириш. Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали, 2021. – №3. (ISSN: 2181-1814). (08.00.07.)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш, унинг инновацион ёндашувларини шакллантириш, кучли жиҳатларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш ҳамда соҳани жадал ривожлантириш даражаси ортиб бормоқда. Инсонларнинг саломатлиги билан боғлиқ омиллар жисмоний тарбия ва спорт муассасалари фаолиятини кенгайтириш ҳамда уни молиялаштириш жараёнларини такомиллаштириш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлаш зарурати юзага келмоқда. Хусусан, соҳада тижоратлаштириш жараёнларнинг кенг қўлланилиши ва уни юқори натижадор бизнес турларидан бирига айлантирилишининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорликлари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда. Шунинг учун жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спорт муассасалари тараққиёти нисбатан устуворликка эга бўлиб, бу эса соҳада бошқарув билан боғлиқ методологияни такомиллаштиришни талаб этади.

Жаҳонда жисмоний тарбия ва спортни молиялаштиришни такомиллаштириш, унинг ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи улушини ошириш, янги спорт турлари, уларнинг иқтисодий самарадорлиги, янги ишчи ўринларнинг кўпайиши, хизмат кўрсатиш соҳаси ва инфратузулманнинг ривожланиши, ички ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш, фаолият самарадорлигини таъминловчи молиялаштириш моделлари ва механизмларини зарур элементлар билан тўлдириш орқали такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини кенг қамровли ривожлантириш борасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган шароитда спорт турларининг ривожланиши борасидаги ислохотлар меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш босқичида давом этмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам «ёшлар ўртасида миллий спорт турларини оммалаштириш, спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳоли сонини ошириш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини, юртимизнинг чекка ҳудудлари ва қишлоқларида соғломлаштириш ишларини ҳамда киши ва экстремал спорт турларини янада ривожлантириш»¹ муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ижроси республикамизнинг барча туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлакларини барпо этиш ҳамда аҳолини оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш орқали камровни ошириш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.

молиявий муносабатларни ташкил этишнинг илғор механизмлари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2022 йил 18 февралдаги ПҚ-136-сон “Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5280-сон “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5279-сон “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бағишлаб кўплаб хорижий, маҳаллий олимлар, тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар ва унинг асосидаги кашфиётлар амалга ошириб келинмоқда.

Спортнинг ижтимоий аҳамияти, унинг назарий ҳамда методологик асослари П.Бурдые², М.Омахоуни³, А.Гонашвили⁴ сингари хорижий олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган. Жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий жиҳатларининг ташкилий тузилмаси, механизми ва характерини В.И.Жолдак ва Н.В.Коротаева⁵ сингари олимлар томонидан ёритиб берилган бўлса, аҳолининг спорт билан шуғулланиш жараёнларини бошқариш масалалари, Д.Ш.Богданова, П.К.Кузнецова, И.М.Сальникова⁶нинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

² Бурдые П. Программа для социологии спорта // Начала. – М., 1994. С.261-262.;

³ Омахоуни М. Физическая культура-визуальная культура: пер. с англ. М.2010 296 с.; Матвеев Л.П. Спорт для всех и спорт не для всех. – М., 2000. - 122 с.

⁴ Гонашвили А. «Методологические основы социологии спорта» // Монография. - Санкт-Петербург, 2017. – С. 52.

⁵ Жолдак В.И., Коротаева Н.В. Социология физической культуры и спорта. Учебное пособие. – Малаховка, 1994.

⁶ Богданова Д.Ш. Профессиональный спорт в современном обществе: культурфилософский анализ: автореф. Дис. ... канд.филос. наук. Тверь. 2012.; Кузнецова П.К. Массовый спорт в современной России: социальные факторы воспроизводства и развития: автореф. Канд.социол.наук. - Санкт-Петербург, 2013.; Сальникова

proposals, that taking into consideration expansion of financial and neconomic relations in reliance upon public-private partnership and cybersport development, the development of e-sports by 2025 is an industry-based financially and economically viable approach have ben used in the development of the “Concept for the development of physical culture and sports until 2025” (reference № 04-17-02 / 5625 of the Ministry of Tourism and Sports dated August 26, 2021). As a result, it is forecasted that e-sports in our republic will grow by 52 percent.

Evaluation of the research results. The results of the research have been discussed in the report forms at 2 republican and 4 international scientific and practical conferences.

Publication of the research results. On the topic of the thesis, 11 research papers have been published, including 4research articles in the scientific journals recommended by the Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan for publishing the main results of the doctoral dissertations, 4 theses of the reports at 4 international and 2 republican conferences.

Structure and volume of the research. The research structure includes introduction, three chapters, conclusion, a list of literature used and annexes. The volume of the research consists of 114 pages.

and private sectors (EU and Asian countries); 2. a model of complete non-governmental intervention in financing (using the example of the USA)) are divided into new directions;

along with the social significance of physical culture and sports, there has been proven the positive impact of an increase in the number of owners in the field of their business activities and, as a result, an increase in the investment attractiveness of the industry, an increase in the number and types of services provided to the population on the formation and development of the sports and service industry;

the areas of public-private partnership in the field of physical culture and sports have been highlighted and the achieved economic efficiency has been substantiated;

the need for state support in determining the financial flows of the organization and development of e-sports activities, as well as opportunities for independent commercial activities, as in many other sports and determining priority objectives for the immediate path of its development, as well as in creating the appropriate regulatory and legal framework has been substantiated.

Implementation of the research results. On the basis of the obtained scientific results on improving financial relations in the institutions of physical culture and sports:

the proposal to transfer 2 percent of the annual profit of legal entities with a public share of 50 percent or more in the charter capital to the Sports Development Fund was included in the draft resolution of the President of the Republic of Uzbekistan “On the program for the development of sports and educational institutions until 2025” (reference № 04-17-02 / 5625 of the Ministry of Tourism and Sports dated August 26, 2021). As a result, construction of sports grounds and facilities in the regions has increased by 2.7 times;

a proposal to allow graduate students of higher educational institutions specializing in the field of physical culture and sports to work as instructors-teachers in physical culture and trainers on the basis of paying a monthly salary has been included in the draft resolution of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to further improve the quality of education reserve of athletes in Olympic and Paralympic sports by radically improving the system of sports education” (reference № 04-17-02 / 5625 of the Ministry of Tourism and Sports dated August 26, 2021). As a result, the employment of graduates of higher educational institutions in the field of physical culture and sports has increased by 48 percent;

the proposal to organize a horse-racing school, an archery school and multidisciplinary sports complexes on the basis of a public-private partnership in organizing recreation for local and foreign tourists was included in the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PR-5212 “On measures to organize equestrian schools” dated August 5, 2021 (reference № 04-17-02 / 5625 of the Ministry of Tourism and Sports dated August 26, 2021). As a result, a horseracing school and new archery facilities have been built, and this fact increased the flow of local and foreign tourists by 30 percent;

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортда тижоратлаштириш муаммолари С.А.Остроухов ва Ж.Рогге, молиялаштириш масалалари Н.В.Слободянюк, С.М.Кулешов, Ю.Павленко ҳамда соҳада давлат хусусий шерикчилик муносабатлари инвестицияларни жалб қилишнинг самарали усули сифатида эътироф этилиши В.А.Кабашкин, А.П.Косинцев, Д.А.Обожина, Т.Е.Мельник, В.И.Косогорцев, О.А.Моисеева, О.И.Ларина⁷нинг илмий тадқиқотларида кузатилади.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган, хусусан, А.М.Ачилов⁸ болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил қилиш муаммоларини тадқиқ этган бўлса, К.Т.Шакиржонова, У.Р.Абдумаликов, Т.А.Шакиржанов⁹ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида, узлуксиз таълимни ташкил қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқлигини асослаганлар. А.А.Танибердиев¹⁰ олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш муаммоларини тадқиқ этиш асосида жисмоний маданият ва спорт фанида ўқув элементларининг таркибий аҳамиятини баҳолашнинг эксперт услуги, таълим ва тарбия жараёнида кластер-модулнинг аҳамияти масаларини ёритиб берган.

Мамлакатда молиявий муносабатлар, давлат молия тизими, молиявий сиёсат ва молия бошқарувининг назарий асослари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этиб келинмоқда, улар жумласига, А.В.Вахобов,

И.М. Метафора «Политика – это спорт» как способ концептуализации сведений о политической действительности: на материале британского и американского медиадискурса: автореф. Дис.канд. филол. Наук. – Воронеж, 2013.

⁷ Остроухов С.А. Предпринимательство в спорте или как формируется конкурентоспособность спортивных организаций [Текст] / С.А. Остроухов, Л.Н. Орлова // Российское предпринимательство, 2017. - Том 18. - № 3. С.405-416.; Президент МОК Рогге открыл круглый стол "Спорт как индустрия" // Материалы информационного агентства РИА-Новости. <https://ria.ru/sport/20111126/498474534.html>; Слободянюк Н.В. Особенности финансирования индустрии спорта в США. // Вестник РЭУ. 2013. №3. С.53-61.; Кулешов С.М. Финансово-экономические механизмы поддержки массового спорта: отечественный и зарубежный опыт // Transport business in Russia. №2. 2017. С.14-16.; Павленко Ю. Международный опыт финансирования национальных спортивных федераций по результатам их деятельности // Наука в Олимпийском спорте. №4. 2017. С.72-84.; Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство: международный опыт и российские перспективы. М.: ООО «МИЦ», 2010. 117 с.; Косинцев А.П., Обожина Д.А. Государственно-частное партнерство как эффективная форма привлечения инвестиций в сферу физической культуры и спорта. / Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. №3. 2013. – С.84-94.; Мельник Т.Е. Государственно-частное партнерство в области физической культуры и спорта / Журнал российского права. №12. 2016. – С.133-141.; Косогорцев В.И., Моисеева О.А. Реализация моделей государственно-частного партнерства в ведомственных спортивных организациях / Социологические аспекты управления и экономика. – С.127-131.; Ларина О.И. Государственно-частное партнерство в сфере физической культуры и спорта / Управление. №4. 2018. С.21-28.; Остроухов С.А. Предпринимательство в спорте или как формируется конкурентоспособность спортивных организаций [Текст] / С.А. Остроухов, Л.Н. Орлова // Российское предпринимательство, 2017. Том 18. - № 3. – С.405-416.

⁸ Ачилов А.М. “Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил қилиш технологияси” / Педаг. фанлар. номз. илм.дараж.. диссертац. – Т., 2008. 7-б.

⁹ Шакиржонова К.Т., Абдумаликов У.Р., Шакиржанов Т.А. Жисмоний тарбия ва спортдаги узлуксиз таълимни ташкил қилиш. Ўқув услубий кўлланма. – Т., 2012. – 118 б.

¹⁰ Танибердиев А.А. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш. Педагогик фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. – Чирчиқ, 2019. 43-б.

Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, А.У.Шеров ва М.Х.Темиров¹¹ни киритиш мумкин. Аммо миллий иқтисодиёт мустақилликка эришган даврлардан бошлаб молия тизимини ривожлантиришга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамай, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатлар муаммолари илмий жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва молиялаштиришнинг илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатлар ҳолатини таҳлил қилиш;

ҳалқаро тажрибада жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг илғор механизмларини тадқиқ қилиш ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида самарали молиявий муносабатларни жорий этиш йўллари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт муассасалари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини молиялаштириш жараёнида юзага келувчи молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, эмпирик, иқтисодий-статистик, гуруҳлаштириш, қиёсий ва динамик таҳлил, синтез таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

¹¹ Vahobov A., Malikov T. Moliya. Darslik. – T.: Noshir, 2011, 712 b.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма, 2009. – 556 б.; Шеров А.У. Ўзбекистонда бюджет сиёсати йўналишларини такомиллаштириш. Иқтисод.фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т., 2020. - 137 б.; Темиров М.Х. Ўзбекистон Республикасида давлат молия тизимини ислоҳ қилишнинг истиқболли йўналишлари. Иқтисод.фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т., 2019. - 159 б.

INTRODUCTION (abstract of the thesis of the Philosophy Doctor (PhD) on Economic Sciences)

The aim of the research work. The aim of the research is to develop proposals and recommendations for improving financial relations in institutions of physical culture and sports.

The tasks of the research work are:

studying the socio-economic significance of scientific and theoretical aspects of financing institutions of physical culture and sports;

determining the peculiarities of the organization of financial relations in institutions of physical culture and sports;

analyzing the state of financial relations in institutions of physical culture and sports;

studying and revealing the features of advanced mechanisms for organizing financial relations in institutions of physical culture and sports in international practice;

analyzing the regulatory framework for improving financial relations in institutions of physical culture and sports;

developing scientific proposals and recommendations for the implementation of efficient financial relations in institutions of physical culture and sports.

The object of the research work. The object of the research is the activity of institutions of physical culture and sports of the Republic of Uzbekistan.

The subject of the research work. The subject of the research are financial relations arising in the process of financing institutions of physical culture and sports.

The scientific novelty of the research work, consisting of the following:

it is proposed to transfer 2 percent of the annual profit of legal entities that have a public share of 50 percent or more in the charter capital to the Sports Development Fund;

it is proposed to allow graduate students of higher education institutions specializing in physical education and sports to work as instructor-teachers in physical education and trainers on the basis of monthly salary payment;

it is proposed to organize an hourseracing sports school, an archery school and multidisciplinary sports complexes on the basis of a public-private partnership in organizing recreation for local and foreign tourists;

taking into consideration expansion of financial and neconomic relations in reliance upon public-private partnership and cybersport development, it has been substantiated that the development of e-sports by 2025 is an industry-based financially and economically viable approach.

The practical results of the research are as follows:

the concept of “financial support” has been improved on the basis of a set of measures to control the effective use of financial resources required for the activities of the organization;

the models available in the practice of foreign countries (1. countries with mixed financing systems, including countries with the participation of the public

The topic of doctoral dissertation (PhD) was registered under the number B2019.2.PhD/Iqt941 at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

The dissertation has been accomplished at the Tashkent Financial Institute.

The abstract of dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (resume)) on the website of the Scientific Council (www.tdiu.uz) and on the website of «Ziyonet» informational and educational portal (www.ziyonet.uz).

Scientific advisor: **Khaydarov Nizamiddin Khamraevich**
Doctor of Economics, Professor

Official opponents: **Rakhmonov Dilshod Alijanovich**
Doctor of Economics, Professor

Ashurova Nasiba Batirovna
Doctor of Economics, Professor

Leading organization: **Samarkand Institute of Economics and Service**

The defense of the dissertation will take place on _____ «__», 2022 at __ at the meeting of Scientific council №DSc.3/10.12.2019.I.16.01 at Tashkent State Economic University of the Republic of Uzbekistan. (Address: 100066, Tashkent city, I.Karimov street, building 49, phone: (99871) 239-28-72; fax: (99871) 239-43-51. e-mail: info@tsue.uz)

The doctoral dissertation (PhD) can be reviewed at the Information Resource Center of Tashkent State Economic University (registered under the number _____). Address: 100066, Tashkent city, I.Karimov street, building 49, phone: (99871) 239-28-72; fax: (99871) 239-43-51. e-mail: info@tsue.uz

The abstract of dissertation sent out on «__» _____ 2022.
(mailing report № ____ on «__» _____ 2022).

N.Kh.Jumaev
Chairman of the Scientific Council for Awarding Scientific Degrees, Doctor of Economics, Professor

B.T.Berdiyarov
Scientific secretary of the Scientific Council for Awarding Scientific Degrees, Doctor of Economics, Professor

S.K.Khudoykulov
Chairman of the Scientific Seminar under the Scientific Council for Awarding Scientific Degrees, Doctor of Economics, Associate Professor

устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар йиллик фойдасининг 2 фоизи миқдорда жойлашган худуди бўйича спортни ривожлантириш жамғармасига ўтказиш таклиф этилган;

олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ва спорт фаолияти йўналишларининг битирувчи курсида таҳсил олаётган талабаларга ойлик иш ҳақи тўлаб бориш асосида жисмоний тарбия йўриқчиси-ўқитувчиси ҳамда тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш таклиф этилган;

маҳаллий ва хорижий туристларнинг дам олишини ташкил қилишда чавандозлар мактаби, камондан отиш ва кўп тармоқли спорт мажмуаларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш таклиф этилган;

давлат хусусий шерикликка асосланган молиявий-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва киберспортни ривожлантиришни эътиборга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини 2025 йилгача ривожлантиришда соҳавий ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан самарали ёндашув эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Молиявий таъминот” тушунчаси ташкилотнинг фаолияти учун зарур молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилишнинг комплекс чора-тадбирлар мажмуи асосида такомиллаштирилган;

хорижий мамлакатлар амалиётида мавжуд бўлган моделлар (1. молиялаштириш тизими аралаш турдаги мамлакатлар, бунда давлатнинг иштироки ва хусусий секторнинг иштироки бўлган мамлакатлар (ЕИ ва Осиё мамлакатлари); 2. молиялаштиришда давлат аралашувидан тўлиқ воз кечилган модель (АҚШ мисолида)) асосий йўналишларга ажратилган;

жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий аҳамияти қаторида, унинг тадбиркорлик фаолиятига соҳада мулкдорлар кўпайиши ва натижада соҳанинг инвестицион жозибдорлиги ортиши, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар тури ва сони кўпайиши, спорт саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг шаклланиши, ривожланиши ижобий таъсир кўрсатиши асослаб берилган;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикчилик қўлланилувчи соҳалар ёритиб берилган ва эришиладиган иқтисодий самарадорлик асослаб берилган;

киберспорт фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг молиявий оқимлари бошқа кўплаб спорт турлари сингари мустақил равишда тижорат фаолиятини ташкил этиш имкониятлари мавжудлиги ва уни ривожлантириш учун бевосита йўналишнинг устувор вазифаларини белгилаш ҳамда норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш давлатнинг кўмаги зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг очиқ статистик ҳисоботларидан олинганлиги, хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар йиллик фойдасининг 2 фоизи миқдорида жойлашган ҳудуди бўйича спортни ривожлантириш жамғармасига ўтказиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори лойиҳасига киритилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 04-17-02/5625-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудларда спорт майдонлари ва иншоотлари қурилиши 2,7 баробарга ошган;

олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ва спорт фаолияти йўналишларининг битирувчи курсида таҳсил олаётган талабаларга ойлик иш ҳақи тўлаб бориш асосида жисмоний тарбия йўриқчиси-ўқитувчиси ҳамда тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасига киритилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 04-17-02/5625-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ва спорт фаолияти йўналишларининг битирувчи ишга жойлашиши 48 фоизга ошган;

маҳаллий ва хорижий туристларнинг дам олишини ташкил қилишда чавандозлар мактаби, камондан отиш ва кўп тармоқли спорт мажмуаларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПҚ-5212-сон “Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига киритилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 04-17-02/5625-сон маълумотномаси). Натижада чавандозлар мактаби ва камондан отиш бўйича янги иншоотлар барпо этилган ва бу ерларга маҳаллий ва хорижий туристларнинг оқими 30 фоизга кўпайган;

давлат-хусусий шерикликка асосланган молиявий-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва киберспортни ривожлантиришни эътиборга олган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини 2025 йилгача ривожлантиришда соҳавий ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан самарали ёндошув эканлиги бўйича таклифлар “2025 йилгача жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ривожлантириш Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 04-17-02/5625-сон маълумотномаси). Натижада республикамизда киберспортнинг 52 фоизга кўпайиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11та илмий иш, жумладан, 1та хорижий журналда

KHALIMOV FURKAT EMINJONOVICH

**IMPROVING FINANCIAL RELATIONS IN INSTITUTIONS OF
PHYSICAL EDUCATION AND SPORT**

08.00.07 – Finance, money circulation and credit

ABSTRACT
of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics

Tashkent city – 2022 year

5. Анализ опыта зарубежных стран показывает, что в систему подготовки спортсменов по олимпийским видам спорта вкладываются значительные инвестиции, основную часть которых составляет национальный спортивный бюджет, а распределение средств между спортивными федерациями осуществляется по принципу “формирования сильной спортивной нации по национальным видам спорта”.

6. Основными источниками доходов от спорта в мире являются поступления от продажи билетов на соревнования, продажи прав на теле и радиовещание. В связи с этим в данной области необходимо изучить опыт зарубежных стран.

7. На сегодняшний день важно, чтобы спорт был признан международными организациями, экспертами и учеными одним из самых эффективных инструментов развития экономики. Действительно, ученые обосновывают, что физическая культура и спорт - это инвестиции, направленные на улучшение здоровья и производительности труда человека, считающиеся человеческим капиталом.

8. Согласно анализу развития деятельности киберспорта, ее финансовые потоки аналогичны другим видам спорта и основаны непосредственно на коммерческой деятельности. Все участники в нем будут иметь определенную сумму дохода. Поэтому в финансовых потоках организации и развития деятельности киберспорта, как и во всех других популярных видах спорта (футбол, хоккей, теннис), есть возможность самостоятельно организовать коммерческую деятельность. Непосредственное вмешательство государства в его развитие основано на создании нормативно-правовых основ, разработке налоговых механизмов в соответствии с установленными требованиями.

9. Основной источник дохода в киберспорте — это создаваемые игры и их брендинг, то есть создателями игр являются физические или юридические лица с авторскими правами. Учитывая тот факт, что на основе этой компьютерной игры организуются, проводятся различные соревнования, формируются спортивные команды и осуществляется ряд других сопутствующих процессов, в перспективе необходимо создание специального ведомства на уровне республики.

10. Киберспорт в нашей стране пока не регулируется с точки зрения международного права, и, как следствие, нет возможности применять санкции к нарушителям установленных норм. Поэтому целесообразно разработать международную конвенцию “О статусе компьютерного спорта” в киберспорте на международном уровне. Принятие данного документа имеет важнейшее значение как основа деятельности законодательства по киберспорту, потому что актуальность принятия данного документа на международном уровне заключается в том, что киберспорт объединяет спортсменов из многих стран, и если соответствующий закон будет принят в каждой стране, это может привести к множеству разногласий между странами. Помимо юридических аспектов, принятие данного документа может отражать показатели результативности киберспорта, спортсменов и команд, методологию результативной деятельности участников, а также виды и формы соревнований.

мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий журналларда 4 та илмий мақола, 4 та тезис халқаро конференцияларда, республика конференциясида 2 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, уларнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва молиялаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ёритиб берилган, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари тадқиқ этилган.

Жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий-иқтисодий муаммолари бўйича назарий ва методологик тадқиқотларни амалга оширган хорижий олим ва мутахассисларнинг тадқиқот йўналишлари ва хулосаларини ўрганиш асосида қайд этиш лозимки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги молиявий муносабатлар кенг қамровлидир. Хусусан, маҳаллий олимлар томонидан давлат молиясини бошқариш ва ривожлантириш, молиявий муносабатларни ташкил этиш, тартибга солиш ва мақбуллаштириш доирасида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамай, бевосита жисмоний тарбия ва спортнинг молиявий-иқтисодий муаммолари бўйича тадқиқотлар асосан, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш технологияси ва унинг асосий омиллари, узлуксиз таълимни ривожлантириш муаммолари билан чегараланган¹². Бундан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатда жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларга тааллуқли муаммолар илмий жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган.

¹² Ачилов А.М. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолиятини ташкил қилиш технологияси / Педаг. фанлар. номз. илм. дараж. диссертация. – Т., 2008. 7-б.; Шакиржоновна К.Т., Абдумаликов У.Р., Шакиржанов Т.А. муаллифлигидаги Жисмоний тарбия ва спортдаги узлуксиз таълимни ташкил қилиш. Ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2012. - 118 б.; Танибердиев А.А. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. – Чирчиқ, 2019. 43-б.; Шеров А.У. Ўзбекистонда бюджет сисёати йўналишларини такомиллаштириш. Иқтисод. фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т., 2020. – 137 б.

Шу жиҳатдан, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда давлатнинг иштирок этиш улушидан келиб чиқиб, соҳанинг молиялаштирилиши турли ташкилий моделлар асосида амалга оширилиши мумкин. Бугунги кунда дунёда кўп фойдаланилувчи моделлар иккита: АҚШ модели ва Европа модели.

АҚШ моделида спорт давлат томонидан бевосита молиялаштирилмаслиги билан ажралиб туради ва асосий кўмак билвосита бўлиб, хусусий секторга кўплаб солиқ имтиёзлари яратилган. Яъни бунинг асосини спортнинг тижорий мақсадлари устунлигини кузатиш мумкин. Чунки барча фаолиятлар спорт фаолиятидан максимал даромад олишга йўналтирилади.

Европа моделига аралаш молиялаштириш тизими хос ва унда давлатнинг салмоқли улуши мавжуд. Шу билан бирга, бу моделда профессионал спортни ривожлантиришга қаратилган тижорий ёндашувлар мавжуд. Мазкур моделдан Европа мамлакатлари билан бирга аксарият Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам фойдаланилади.

Икки моделни таққослаш асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Жумладан: икки моделнинг ўхшашлик жиҳатлари мавжуд ва улар, болалар ва ўсмирлар спортини қўллаб-қувватлаш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади; профессионал спортни молиялаштиришдаги ёндашувлар фарқланади.

Ваҳоланки, молиялаштириш манбалари бир хил бўлишига қарамай, аммо олий лига ва жамоаларда уларнинг улуши кескин фарқланади, бунда энг катта тафовут ҳомийлар ва маҳаллий ҳокимият вакиллари ўртасидаги муносабатларда кузатилади. Агар Германия, Италия, Испания ва бошқа катор Европа мамлакатларида профессионал жамоалар бюджетидан ҳомийларнинг улуши 20%дан 50%гачани ташкил этса, АҚШнинг бейсбол, баскетбол, футбол ва хоккей профессионал лигаларига ҳомийларнинг молиявий ёрдами жамоаларнинг бюджетига киритилмайди¹³. АҚШда профессионал клубларнинг молиялаштирилиши асосан бевосита спорт фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига амалга оширилади, аммо Европанинг клублари кўп ҳолатларда маҳаллий давлат ҳокимияти кўмаклашишига боғлиқ.

Бу жиҳатдан Америка ва Европа моделларини уйғунлаштирган ҳолда Ўзбекистон шароитига мос келувчи моделни яратиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур моделдан кўзланган мақсад спортга давлат бюджети харажатлари ҳисобидан молиялаштириш ҳажмини камайтиришдан иборат. Аммо шу билан бирга, бошқа молиялаштириш манбаларини ривожлантиришга имконият ва шароитлар яратишга қаратилган (1-расм).

Мазкур чизманинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади: давлат бюджети маблағларининг асосий қисми ёш спортчиларни тарбиялаш ва улғайтиришга сарфланиши; профессионал спортнинг асосий қисми

создание и распространение интернет-ресурсов и физическая культура среди подрастающего поколения.

В связи с этим, для обеспечения высокой эффективности начатых структурных преобразований по формированию цифровой экономики в нашей стране целесообразно уделить внимание дальнейшему развитию нового вида спорта, созданного на сегодняшний день на основе цифровых технологий – киберспорта.

Киберспорт является официально признанным видом спорта во многих странах мира и научно доказано, что и как и другие виды спорта, которые положительно влияют на экономическое развитие, киберспорт оказывает непосредственное положительное влияние на развитие многих секторов экономики и, самое главное, на устойчивое развитие страны, что нашло свое отражение в следующих аспектах: будут созданы дополнительные новые рабочие места и, в частности, будет достигнуто увеличение уровня охвата молодежи; увеличение количества различных производственных и обслуживающих предприятий, относящихся к данной сфере; развитие розничной торговли и рекламной деятельности и т.п.

В целях организации и развития финансовых отношений в физкультурных и спортивных учреждениях страны в соответствии с требованиями времени внедрение научных предложений и рекомендаций, разработанных в соответствии с выводами автора, в ближайшем будущем позволит привести данную сферу в соответствие с мировыми стандартами, а также позволит устранить имеющиеся недостатки.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В результате изучения, анализа и исследования задач, определенных для достижения цели в диссертационной работе, сделан ряд следующих выводов, в том числе:

1. Создание и развитие спортивных сооружений в стране, душевное и физическое здоровье населения позволит не только сэкономить финансовые средства на здравоохранение, но и снизить уровень безработицы в экономике.

2. В развитии национальной экономики необходимо мобилизовать все силы физической культуры и спорта. В конечном итоге, с одной стороны, если определенная часть населения будет занята спортом, с другой стороны, это позволит уменьшить налоговое бремя в стране за счет пополнения местных и республиканских бюджетов различными налогами и сборами.

3. Для дальнейшего развития сферы физической культуры и спорта необходимо формирование инновационных подходов, углубленное изучение и применение зарубежного опыта. В этой связи целесообразно создание наиболее оптимального и эффективного механизма организации финансовых отношений - источника и основы развития данной сферы.

4. Обосновано, что чем выше доля высокообразованных специалистов во всех сферах и отраслях экономики, тем больше это направление является одной из важнейших основ устойчивого развития. Поэтому целесообразно постепенно увеличивать количество лиц с высшим образованием в области физической культуры и спорта.

¹³ Мичуда Ю.П. Особенности финансирования массового спорта в Европе в начале XXI века / Ю.П. Мичуда, В.Н. Жуляев. М., 2009.

Следовательно, киберспорт - это один из видов спорта, который необходимо развивать в будущем. Поэтому своевременное и полное финансирование этого вида спорта является требованием времени.

В целях популяризации физической культуры и спорта в стране, наряду с пропагандой здорового образа жизни среди населения, определения достойного места данной сферы в развитии приоритетных сфер (производство, сфера услуг) в национальной экономике были приняты указ Президента Республики Узбекистан №УП-5924 «О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан» от 24 января 2020 года и «Концепция развития физической культуры и спорта в Республике Узбекистан до 2025 года» (далее – Концепция).

На основе концепции были сделаны следующие выводы о механизмах ГЧП и развития киберспорта в совершенствовании финансовых отношений учреждений физической культуры и спорта, в частности:

1. Принятие Концепции развития физической культуры и спорта в стране до 2025 года указом Президента Республики Узбекистан означает, что данная сфера является одним из приоритетных направлений в национальной экономике. Однако среди обозначенных в Концепции проблем, препятствующих дальнейшему развитию отрасли в будущем, большинство проблем в системе возможно решить за счет своевременного устранения недостатков в системе финансирования, дальнейшего развития ГЧП и цифровизация. Следовательно, по результатам анализа отмечена высокая эффективность в результате внедрения ГЧП в сфере физической культуры и спорта. Однако, как показывает анализ мировой практики, механизмы ГЧП не ограничиваются строительством спортивных сооружений или укреплением материально-технической базы, наоборот, отношения ГЧП используются при организации и проведении медицинских, охранных, коммуникационных и информационных услуг, а также региональных и международных спортивных мероприятий.

